

Кузатув кенгашининг
2025 йил “28” ноябр даги
28 -сон баённомаси билан

“МАЪКУЛЛАНГАН”

“Шарғункўмир” АЖнинг

2026 йил учун

“БИЗНЕС РЕЖА” лойиҳаси

Ташкилот номи

“Шарғункўмир” АЖ

Идоравий мансублиги

Давлат иштирокидаги

Почта манзили, е-хат манзили
(ёки электрон почта манзили)

shargun_kumir58@mail.ru

СТИР

200 494 307

Ижроия органи раҳбари:

М.А.Азизкулов

Бош ҳисобчи:

Э.Б.Насиров



М У Н Д А Р И Ж А

I. Корхона тўғрисида умумий маълумот

- 1.1 Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти);*
- 1.2 Корхона тарихи ва охирги йилларда эришган ютуқлари;*
- 1.3 Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати;*
- 1.4 Корхона ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида маълумот;*
- 1.5 Кадрлар сиёсати, ишчи-ходимлар, жумладан, корхона бошқарув ва ижроия органи аъзолари тўғрисида маълумот, ижтимоий ҳимоя;*
- 1.6 Корхонанинг бозордаги ўрни ва аҳамияти, шу жумладан халқаро бозордаги мақеи;*
- 1.7 Корхонада жорий этилган сифатни бошқариш тизими.*

II. Корхонани ислоҳ қилиш

- 2.1 Истиқболли ривожланиш стратегияси;*
- 2.2 Ислоҳ қилиш мақсади ва босқичлари;*
- 2.3 Ислоҳ қилишнинг 2026 йил учун режаси.*

III. Бозор ва маркетинг режаси

- 3.1 Бозор таҳлили;*
- 3.2 Маҳсулот (хизмат)нинг асосий истеъмолчилар таркиби;*
- 3.3 Рақобат;*
- 3.4 Маркетинг режаси.*

IV. SWOT-таҳлили

V. Энерго ресурслар таъминоти ва уларнинг сарфи

VI. Кўрсаткичлар

6.1 Ишлаб чиқариш режаси:

- 6.1.1. Хомашё захираси;*
- 6.1.2. Тайёр маҳсулотнинг асосий тавсифлари;*
- 6.1.3. Жорий (2 йиллик) ишлаб чиқариш ҳолати;*
- 6.1.4. Ишлаб чиқариш ва сотиш режаси.*

6.2 Молиявий режа:

- 6.2.1 Жорий (2 йиллик) молиявий кўрсаткичлар;*

- 6.2.2 *Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар режаси (бюджети);*
- 6.2.3 *Даромадлар шаклланишининг асосий манбаи (нархлар прогнози);*
- 6.2.4 *Харажатлар ва таннархни оптималлаштириш;*
- 6.2.5 *Молиявий барқарорлик, ликвидлик ва тўлов қобилияти, қарздорлик (ички ва ташқи), кредитлар юки;*
- 6.2.6 *Давлат бюджетига тўловлар прогнози;*
- 6.2.7 *Молиявий кўрсаткичларнинг ўхшаш корхоналар билан солиштирилиши (бенчмаркинг).*

VII. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI)

VIII. Иш ҳақи тўлаш тизими

IX. Ташқи иқтисодий фаолият режаси (экспорт ва импорт)

X. Инвестиция лойиҳалари

XI. Экология ва атроф муҳитга таъсири

XII. Иловалар

- 12.1 *Маҳсулот ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) ҳажми;*
- 12.2 *Таннархни камайтириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар;*
- 12.3 *Кутилаётган бухгалтерия баланси (чораклар кесимида);*
- 12.4 *Кутилаётган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (ўсиб боровчи тартибда чораклар кесимида);*
- 12.5 *Даромадлар ва харажатлар сметаси (бюджети);*
- 12.6 *Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари.*

I. “Шарғункўмир” АЖ тўғрисида умумий маълумот

1.1. Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти)

T/P	“Шарғункўмир” АЖ тўғрисида маълумот, корхона паспорти	
1	Корхонанинг тўлиқ ва қисқартирилган номи	“Шарғункўмир” Акциядорлик Жамияти
2	Ташкилий-ҳуқуқий шакли	Акциядорлик Жамияти
3	Фаолият тури	Тошкўмир қазиб олиш
4	Тармоқ	Ишлаб чиқариш
5	Юридик манзили	Шарофобод МФЙ, Минор кўчаси 35 уй
6	Устав капитали	2 229 598,0 минг сўм
7	Чиқарилган акциялари	2 229 598 дона
8	Статистик таснифлари	0
9	СТИР	200 494 307
10	Ҳисоб рақами ва хизмат кўрсатувчи банки	“Ўзсаноатқурилишбанк”нинг Шарғун филиали МФО 00440 х/р 2021 0000 4003 11 04 5001
11	Умумий ер майдони	58,25 га
12	Бино-иншоотлар майдони	16,644 минг кв. метр
13	Ишлаб чиқариш майдони	41,6 га
14	Инфратузилмаси	Электр энергия, сув, темир йўл ва авто йўл мавжуд.
15	Ишчилар сони	613 та
16	Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар тури	Тошкўмир
17	Асосий хомашёси;	Йўқ
18	Экспорт қилинадиган маҳсулотлар ва давлатлар	Йўқ
19	Бошқа маълумотлар.	Йўқ

1.2. Корхона тарихи ва охирги йилларда эришган ютуқлари

“Шарғункўмир” АЖ кўмир конининг қурилиши 1943 йилдан бошланган. “Сариосиё” темир йўли бекатидан “Тоқчиён”гача (ҳозирги Шарғун шаҳри) 12 километр узунликдаги темир йўл шаҳобчаси қурилди, кўмир ташиш учун 18 километр узунликдаги осма-юк канат йўли, ходимларни ва товар моддий бойликларини ташиш учун 20 километр масофага автойўл қурилган.

Шарғункўмир кони 1958 йилда ишга туширилган бўлиб, дастлаки лойиҳанинг йиллик қуввати 400,0 минг тоннага мўлжалланган.

1960 йилларга келиб қазиб чиқариладиган кўмирнинг 95 % ни йириклиги 13 мм.гача бўлган кўмир бўлаклари ташкил этган бўлиб, уни сотишда жиддий қийинчиликларга дуч келинган. Бу муаммони ҳал этиш мақсадида 1963 йилда Ангрен ва Шарғун кўмир конларида саноат усулида кўмирни брикетлаш ишлари бошланган. Ангрен кўмирни брикетлаш ижобий натижа бермаган. Шарғун кўмир конида кўмир брикетлашнинг нефть ва бошқа боғловчилар билан брикетлаш йўллари ишлаб чиқиш бўйича муваффақиятли ишлар амалга оширилган. Ёш корхонани сақлаб қолиш йўлидаги изланишлар йилига лойиҳа қуввати 200,0 минг тонна брикет ишлаб чиқарадиган брикет фабрикаси қурилишига олиб келди ва у 1965 йил ишга туширилган.

1973 йил Шарғун кўмирда тоғ-кон лаҳм ўтиш ишларини механизациялаш даражаси 97 % га етказилган ва шахтада кўмир қазиб олиш ишлари 1 840 метр горизонт баландликда олиб борилган. Шунингдек, кўмирни тинимсиз темир йўл станциясига етказиш учун осма канат йўли орқали ташиш ҳамда қўшимча заҳираларни тайёрлашда горизонтлараро ёпиш мақсадида лойиҳалар ишлаб чиқилган. Выработкаларни тайёрлов ишлари ўтилишида тоғ жинсларини ортишни механизациялаш даражаси 100 % га етказилган.

Корхонада кўмир қазиб чиқариш ва сотиш ҳажмининг кескин пасайиши натижасида корхона нафақат ривожланиш, ҳаттоки ишлаб чиқариш жараёни учун ҳам маблағсиз қолган. 1990 йилдан бошлаб қолдиқ қиймати бўлмаган тоғ-кон жиҳозлари янгиланмаган эди. 2011 йилга келиб ишлаб чиқаришдаги ва тоғ - кон жиҳозларининг жисмоний эскириши натижасида кўмир қазиб чиқариш йилига 18,4 минг тоннагача пасайган.

Соҳани ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида сўнгги 5 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 94 фоизга ошган. Ушбу натижаларга эришишда ўз вақтида қабул қилинган Давлатимиз раҳбарининг ушбу соҳа доирасида тегишли Фармон ва Қарорлари, шунингдек улар доирасида қабул қилинган ҳукуматнинг тартиб тамойиллари алоҳида аҳамият касб этган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 ноябрдаги ““Ўзбеккўмир” АЖ ва “Шарғункўмир” АЖни “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибига ўтказиш ҳамда кўмир саноати корхоналарини молиявий соғломлаштириш борасидаги ташкилий чора-тадбирлар

тўғрисида”ги ПҚ-3380 сонли қарори қабул қилингандан сўнг “Шарғункўмир” АЖда янги ривожланиш босқичлари бошланган ва бу асосий кўрсаткичларнинг йилдан йилга ўсиши билан ўз исботини топмоқда.

1958 йилдан 2023 йилга қадар қазиб олинган кўмир миқдори 9,7 млн. тоннани ташкил этган. Корхонанинг бугунги кунгача бўлган тарихида энг юқори кўмир қазиб олиш кўрсаткичлари 2020 йилда 264,0 минг тонна, 2021 йилда 275,0 минг тонна, 2022 йилда 283,3 минг тонна, 2023 йилда 352,2 минг тонна ва 2024 йилда 900,1 минг тоннани ташкил этган. Ишлаб чиқариш ҳажмининг йилдан йилга ўсиб бориши корхонанинг молиявий аҳволини яхшиланишига ва кўмир қазиб олиш таннархини пасайишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 январдаги ““Шарғункўмир” АЖни модернизация қилиш ва лойиҳа қувватини йилига 900 минг тоннагача тошкўмир қазиб олишга етказиш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2727-сонли қарорига асосан умумий қиймати 105,5 млн. доллар бўлган “Шарғункўмир” АЖни модернизация қилиш” инвестиция лойиҳаси амалга оширилган.

Лойиҳа доирасида:

12.7 “Шарғункўмир” АЖни модернизация қилиш лойиҳаси доирасида штольня ва ер ости йўлакларини ўтиш ишлари (*11,5 минг погон метр*) тўлиқ якунланган, асосий тоғ-кон ускуналари етказиб берилиб, конвейер тизимлари ва ёрдамчи ускуналар ўрнатилган, шунингдек Шарғун шахридан штольнягача 24 км темир йўл ҳамда кўмир ортиш станцияси қурилган.

Лойиҳа қиймати – 105,5 млн. долларни (корхонанинг ўз маблағи – 15,7 млн. доллар, Хитой Эксимбанки кредити – 89,8 млн. доллар) ташкил этади.

12.8 Ер ости кон лаҳмида кўмир қазиб олишга қадар керак бўладиган ёрдамчи ускуналар (*5 та лентали конвейер, 2 та лебёдка, 1 та 6 киловатли ер ости ним станцияси, 2 та азотли компрессор, 2 та ҳаво компрессори, 11,5 км юқори кучланишли ва алоқа кабеллари, 11,5 км сув тармоғи, кон электровозлари учун 11,5 км темир йўл рельслари*) ўрнатилди.

26,7 млн. доллар ҳамда уларни ўрнатиш ишлари учун эса 7,5 млн. доллар маблағ Хитой Эксимбанки кредити ҳисобидан сарфланган.

12.9 Суткасига 400 метр кубли тозалаш иншооти (*очистное сооружение*) қурилиб, фойдаланишга топширилган.

12.10 Ер ости конининг ташқи электр таъминотини барпо этиш бўйича 35/6 кВ кучланишли янги подстанциянинг 2 та 10 000 кВА трансформатори ўрнатилган ва штольнягача электр тармоғи (*300 метр*) тўлиқ қурилган.

“Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан 35/6 кВ кучланишли янги подстанция ишга туширилди, шунингдек, 16,7 км узунликдаги 35 кВ захира электр тармоғи қурилиши якунланди.

12.11 Махсус отрядни жалб қилиш бўйича "АМІКАМ INTERNATIONAL GROUP " компанияси билан шартнома тузилган бўлиб, ҳозирги кунда лойиҳа доирасида кўмир қазиб олиш ишлари амалга оширилмоқда.

1.3. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати

Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш даражаси

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Қуввати	Қувватдан фойдаланиш					
				2023 йил	%	2024 йил	%	2025 йил	%
1.	Тошкўмир қазиб олиш	минг тонна	1 000,0	352,0	92,1	900,1	100,0	424,7	42,5

Жорий йил якунига қадар асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг кутилиши, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар.

“2025 йилда кўмир ресурслари ва истеъмоли баланси”га асосан “Шарғункўмир” АЖ 2025 йилда **1 000,0 минг тонна** кўмир қазиб олиши белгиланган.

Шундан:

- ёпиқ усулида - **60,0 минг тонна;**
- очик усулда -**220,0 минг тонна;**
- инвестиция лойиҳаси бўйича -**720,0 минг тонна;**

Амалда **424,7 минг тоннага** бажарилиб, режага нисбатан **42,5 фоизга**, ўтган йилга нисбатан **47,2 фоизга** пасайиши кутилмоқда.

Электр таъминотидаги доимий узилишлар юзага келиши натижасида электр энергиясининг барқарор етказиб берилмаганлиги ҳамда геологик мураккабликлар сабабли лойиҳа доирасида белгиланган параметрлардаги кўмир маҳсулотларини қазиб чиқариш кўрсаткичлари бажарилмай қолинган.

Ушбу камчиликларни бартараф этиш мақсадида Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги томонидан “Шарғункўмир” АЖда кўмир қазиб олиш кўрсаткичларини бажариш ҳамда сифатли ва узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланди ва тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда бартараф этиш бўйича амалий чоралар кўрилмоқда.

1.4. Корхонанинг ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида маълумот

Корхона тизимига кирувчи ташкилотлар рўйхати:
(инвестициялари, юридик шахс мақомига эга бўлмаган тузилмалар, филиаллар)

№	Корхона номи	Улуш микдори (%)	Устав капитал и (баланс қиймати) млн. сўм	Фаолият йўналиши	Олинган даромад (дивиденд)		Киритилган инвестициялар	
					2021 йил	2022 йил	2021 йил	2022 йил
1. Тизимдаги корхоналар								
1.								
2.								
2. Носоҳавий активлар								
3.								
4.								
3. Бўш турган объектлар ва қувватлар								
5.								
6.								
Жами:								

1.5. Кадрлар сиёсати, ишчи-ҳодимлар, шу жумладан, корхона бошқарув ва ижроия органи аъзолари тўғрисида маълумот, ижтимоий ҳимоя

Т/р		Ишчилар сони	Бошқарувдаги ходимлар сони	Техник ходимлар сони	Ишлаб чиқаришда бевосита банд бўлган ишчи-хизматчилар
1	Ишчи ва ходимлар	612	51	36	525

Корхонада ходимларни ишга қабул қилишда, ишга қабул комиссияси мавжуд. Участка ва бўлимлардан тушган билдиргилар, ва иш ҳажмини ошганлиги муносабати билан янги иш ўринлар яратилса ишга қабул комиссиясининг баённомасига асосан ишчи ходимлар ишга қабул қилинади.

Жамиятда 2021-2023 йиллар учун жамоа шартномаси тузилган бўлиб, ишчи ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида кўп йиллик хизматлари учун тўлов тўғрисидаги” НИЗОМга асосан жамиятда узлуксиз ишлаган даврига тўловлар, соғлиғини тиклаш учун модий ёрдам ва бир қатор ишчи ходимлар учун ижтимоий тўловлар мавжуд.

2025 йилнинг 10 ойлигида 36 та ишчи ходим ишга қабул қилинган, 30 та ишчи ходим ўз аризасига биноан бўшатиш ва 1 та ишчи ходим меҳнат интизомини бузганлиги учун ишдан бўшатишган. Ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатишда ҳеч қандай қонун бузилиш ҳолатлари кузатилмаган.

Корхонанинг бошқарув органлари тўғрисида маълумот

№	ФИШ	Ловозими (иш жойи), фаолият кўрсатиш даври	Корхонадаги улуши
I. Акциядорлар (иштирокчи, мулкдор)			
1.	Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги		Акциядорлар: ▪ Йирик акциядорлар – 99,552117 % (2 219 612 дона акция)
2.	Сариосиё туман “Бозор М” КК		Акциядорлар: ▪ Юридик шахслар – 0,051624 % (1 151 дона акция)
3.	“Шарғункўмир” акция- дорлик жамиятининг 222 тадан иборат бўлган ишчи ва ходимларининг улуши ҳисобланади		Акциядорлар: Жисмоний шахслар – 0,396267 % (8 835 дона акция)
II. Кузатув кенгаши аъзолари			
1.	Юсупов Рустам Пайзрахманович	Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ўринбосари: (2023 йилдан)	
2.	Аллаяров Темур Баходирович	Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирининг логистика ва туризмни ривожлантириш бўйича маслаҳатчиси: (2023 йилдан)	
3.	Хасилов Хуснутдин Нуриддинович	“Қуюв-Механика заводи” АЖ бош директори: (2023 йилдан)	
4.	Дусматов Нодирбек Уктамжанович	“Ўзбеккўмир” АЖ бош директори: (2023 йилдан)	
5.	Тешабаев Лазиз Абдихамидович	Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги Кўмир саноатини ривожлантириш бўлими бошлиғи: (2023 йилдан)	
6.	Назаров Азизхон Баҳром ўғли	“Иқтисодиёт ва молия вазирлиги департамент директори: (2023 йилдан)	
7.	Губайдуллин Ринат Абдуллаевич	“Ўзбеккўмир” АЖ бошқарма бошлиғи: (2023 йилдан)	

III. Ижроия органи		
1.	Азизкулов Маъруфжон Абдухафиз ўғли	Бош директор (2024 йилдан) _____% (_____ дона акция)
2.	Пардаев Мансур Рузикулович	Бош муҳандис (2025 йилдан)
3.	Шойматов Жамол Юсупович	Бош директорнинг иқтисод ва молия ишлари бўйича ўринбосари (2019 йилдан)
4.	Насиров Элёр Боходирович	Бош ҳисобчи (2023 йилдан)
5.	Хурсанова Махфуза Рамазоновна	Прогнозлаштириш таҳлил ва иқтисод бўлими бошлиғи (2025 йилдан)

1.6. Корхонанинг бозордаги ўрни ва аҳамияти, шу жумладан халқаро бозордаги мавқеи

Республикада “Ўзбеккўмир” АЖ ва “Шарғункўмир” АЖ каби кўмир қазиб олиш корхоналари мавжуд. “Ўзбеккўмир” АЖ йилига 6 200,0 минг тонна кўмир қазиб олиш қувватига эга. Ишлаб чиқарилган маҳсулот саноатда иссиқлик электр станциялари, цемент, ғишт ишлаб чиқариш ва иссиқхоналар учун ишлатилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёқилғи-энергия ресурслардан янада самарали ва оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорига асосан цемент, ғишт ишлаб чиқариш ва иссиқхона хўжаликларини табиий газдан кўмирга ўтказиш белгиланган. Бундан кўриниб турибдики кўмирга бўлган талаб икки-уч баробарга ўсади.

1.7 Корхонада жорий этилган сифатни бошқариш тизими

Корхона маҳсулотининг сифат сертификатлари мавжуд. Ҳар бир ортилган тошкўмир учун Сифат назорати стандартларга ва метрологияга мувофиқлаштириш участкаси томонидан кўмир сифати ҳақида сертификат берилади. Ҳозирги кунда корхонага тегишли лабараторияда кўмирнинг кулчанлик даражаси ГОСТ ISO 1171-2012, намликнинг масса улуши ГОСТ ISO 11014-2001, учувчанлик, ГОСТ ISO 562-2012 ва юқори ва паст иссиқлик даражаси ГОСТ 147-95 каби кўрсаткичлар таҳлили олинади.

II. Корхонани ислоҳ қилиш

2.1 Истиқболли ривожланиш стратегияси;

Ўзбекистон Республикаси Президенти жорий йилнинг 13 май куни кўмир қазиб чиқаришни ошириш режалари тақдироти билан танишиб, аҳоли ва иқтисодиётни ошиб бораётган эҳтиёжини таъминлаш учун

муайян тармоқларда кўмйрдан фойдаланиш кўл келишини ҳисобга олиб, 2024 йилда кўмйр қазиб чиқариш режасини 8 миллион тоннагача етказилиши, шундан “Шарғункўмйр” акциядорлик жамиятида 900 минг тонна кўмйр қазиб чиқарилиши ва йилига 500 минг тонна кўмйрни бойитиш ускунасини ишга тушириш режаси юклатилган.

2.2 Ислоҳ қилиш мақсади ва босқичлари;

Топшириқга асосан ҳозирги кунда “Шарғункўмйр” АЖ ишлаб чиқариш базаси ҳудудида тажриба саноат кўламида кўмйрни бойитиш ускунаси монтаж қилиниб ишга туширилган. 2025 йилда йилига 500 минг тонна кўмйрни бойитиш ускунасини 10 сонли штольня ҳудудида монтаж қилиниши белгиланган.

2.3 Ислоҳ қилишининг 2026 йил учун режаси;

1. 2024 йилда “Шарғункўмйр” АЖнинг лойиҳа қувватини йилига 900 минг тоннагача тошкўмйр қазиб чиқаришга етказган ҳолда уни модернизация қилиш” инвестиция лойиҳасини тўла қувватда ишлашини таъминлаш.

2. Лойиҳа доирасида ўрнатилаётган механизациялаштирилган технология асосида кўмйр қазиб олиш Ўрта Осиёда биринчи марта қўлланилаётганлиги сабабли, маҳаллий малакали мутахассислар томонидан янги кўмйр қазиб олиш технологиясини босқичма-босқич маҳаллийлаштириш чораларини кўриш. Бунда корхонадан малакали мутахассисларни Хитой давлатининг етакчи кўмйр конларига малака оширишга жўнатиш.

3. Кўмйрни бойитиш ускунасини монтаж қилиш ишларини якунлаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва экспортбоп юқори каллорияли кўмйр маҳсулоти ишлаб чиқариб экспортни йўлга қўйиш.

III. Бозор ва маркетинг режаси

3.1. Бозор таҳлили

Ҳозирги кунда корхонамизнинг асосий истеъмолчилари “Yangi Angren IES” АЖ ва Республика товар хом - ашё биржаси ҳисобланади.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2023 йил 15 сентябрдаги “Шарғункўмйр” АЖ фаолиятини ўрганиш ва самарадорлигини ошириш юзасидан берилган 12/31-41-сонли топшириғига асосан истисно тариқасида қазиб чиқариладиган кўмйрни ягона харидорини музокаралар натижасига кўра тўғридан-тўғри жалб қилиш ва танланган ягона харидорга келишилган нархларда сотиш бўйича шартнома имзоланган.

Кўмйр монопол маҳсулот ҳисобланганлиги учун ҳар йил кўмйр ресурслари ва истеъмоли балансини тасдиқлаш тўғрисидаги Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишининг иловаси тасдиқланади.

3.2. Маҳсулот (хизмат)нинг асосий истеъмолчилари, таркиби

Ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизмат)ларнинг асосий истеъмолчилари, бунда:

- Ягона харидор (Сирдарё кўмир инвест МЧЖ);
- “Yangi Angren IES” АЖ;
- Республика товар хом-ашё биржаси орқали.

3.3. Рақобат

Республика ичида СС маркали тошкўмир фақат “Шарғункўмир” АЖ да қазиб олинади. Республика ташқарисида Қозоғистон, Қирғизистон давлатларида шу маркали кўмир асосан очик конлардан қазиб олинади. 2024 йилда модернизация лойиҳаси доирасида ер остидан тошкўмир қазиб олиш ҳисобига Республикада юқори каллорияли сифатли тошкўмир қазиб олиш ва бойитиш ҳисобига ягона конга айланди.

3.4. Маркетинг режаси

Корхонанинг нарх сиёсати, хўжалик юрутувчи субъектлар, монополист корхоналар, табиий монополиялар субъектларнинг товарларига (ишларига, хизматларига) нархларни (тарифларини) шакллантириш ва декларация қилиш (тасдиқлаш) Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 октябрдаги 239-сон қарори билан тасдиқланган “Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни шакллантириш, декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш ҳамда уларнинг қўлланилишини давлат томонидан назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Маълумот ўрнида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссиясининг 2023 йил 27 октябрдаги 18 сонли баёнига асосан “Шарғункўмир” АЖ томонидан ишлаб (қазиб) чиқариладиган кўмир маҳсулотининг улгуржи нархлари 2023 йил 15 ноябрдан 1 тоннаси учун қуйидагича белгиланган:

ССКОМ (13-100) маркали - 549 000 сўм ҚҚС билан

СССШ (0-13) маркали - 460 000 сўм ҚҚС билан

ССССШМО (0-50) маркали - 312 000 сўм ҚҚС билан

Мазкур нархлар кучга кириши билан, 2019 йил 15 августдан амал қилган декларация нархи (2019 йил 14 августдаги 04/15-03-Уз-2019/8-сон декларация нархи) ўз кучини йўқотади.

IV. SWOT-таҳлили

S – (strength) Республикада энг катта тошкўмир захирасига эга кон Шарғун конлари ҳисобланади. “Шарғункўмир” АЖнинг лойиҳа қувватини йилига 900 минг тоннагача тошкўмир қазиб чиқаришга етказган ҳолда уни модернизация қилиш” инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб Республикада ягона замонавий шахта қурилган. Бундан ташқари йилига 500,0 минг тонна кўмирни бойитиш ускунасини монтаж қилиниб, ишга тушириш ҳисобига Республикада ягона юқори каллорияли кўмир ишлаб чиқарилади.

W – (weakness) “Шарғункўмир” АЖнинг лойиҳа қувватини йилига 900 минг тоннагача тошкўмир қазиб чиқаришга етказган ҳолда уни модернизация қилиш” инвестиция лойиҳаси ишга туширилганда, кўмир қазиб олиш механизациялашган технология асосида амалга оширилиши кўзда тутилган. Бу усул Ўрта Осиёда ҳали қўланилмаганлиги сабабли ушбу технологияни ишлатиш учун мутахасис етишмовчилиги юзага келиши мумкин.

O – (opportunity) Кўмирни таркибидан 20 га яқин тайёр маҳсулотлар олиш имконияти мавжуд. Мисол учун, кўмирдан германий, скандий, ванадий, платина ва бошқа камёб элементлар ажратиб олиш мумкин. Бундан ташқари кокс, фенол, бензол, бензин, нафталин, мазут, дизел ёқилғилари, канцелярия қаламлари, диареяга қарши таблеткалар, спиртни ва сувни тозаловчи филтрлар, ҳавони тозаловчи филтрлар ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Бир тонна кўмирни қайта ишлаб сотилса 1,2 млн.сўм даромад олинади. Кейинги босқчиларини амалга ошириш ҳисобига бир тонна кўмирдан ҳосил бўладиган даромад 10 баробарга ортиб, 12 млн. сўм даромад олиш имконияти мавжуд. Йилига 300 минг тонна кўмирни қайта ишлаш ҳисобига 3,6 трлн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилиши мумкин.Натижада қўшимча 1,5 минг нафар иш ўрни, 3,6 трлн.сўмлик қўшимча қиймат, 250 млрд. сўмлик солиқ тушуми, аҳолини 4-5 млн.сўмдан ойлик даромад олишига ҳамда 100 млн. долларга тенг импортни оптималлаштиришга эришилади.

T – (threat) Лойиҳанинг ишлаб чиқариш даврида электр энергияни огоҳлантиришларсиз ўчириб қўйилиши натижасида қуйидаги салбий оқибатларга олиб келиши мумкин:

- шамоллатиш тизимлари ишга туширилмаслик оқибатида ер юзидан 4 км ичкарида жойлашган кон лаҳмларида метан газнинг ортиб кетиши натижасида портлаш хавфи ортади ҳамда тоғ-кон лаҳмларида барча технологик мажмуалар кўчки остига қолиб кетиши мумкин;

- ер ости тоғ-кон лаҳмларида ишлаётган ишчиларнинг ҳаёти хавф остида қолади.

V. Энергоресурслар таъминоти ва уларнинг сарфи
“Шарғункўмир” АЖнинг 2026 йилда
Электр энергия сарфи прогнози

	Ўлчов бир.	2026 йил	I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак
Жами электр энергия ҳисоби						
1 000 тн кўмир қазиб олиш ва ёқилғи етказиб бериш учун электр энергия сарфи	минг кВт	12,3	9,9	11,0	19,9	11,7
1 кВт учун нархи	сўм	892,9	892,9	892,9	892,9	892,9
корхона бўйича сарфи	минг кВт	9 500,0	2 100,0	2 300,0	2 550,0	2 550,0
Электр энергия истеъмоли қиймати	минг сўм	8 482 170,0	1 875 006,0	2 053 578,0	2 276 793,0	2 276 793,0
шу жумладан: ЮТМ ва Янги лойиҳа бўйича электр энергия ҳисоби						
Кўмир қазиб олиш	минг тонна	750,0	210,9	201,1	118,9	219,1
1 000 тн учун электр энергия харажати	минг кВт	10,7	8,4	9,6	18,3	9,8
1 кВт учун нархи	сўм	892,9	892,9	892,9	892,9	892,9
Жами кўмир қазиб олиш харажати	минг кВт	8 018,7	1 771,0	1 921,0	2 180,0	2 146,7
Электр энергия истеъмоли қиймати	минг сўм	7 159 555,1	1 581 255,1	1 715 184,1	1 946 434,8	1 916 681,1
ҚТМ участкалари бўйича электр энергия ҳисоби						
Ёқилғи етказиб бериш	минг тонна	926,4	215,3	261,2	241,2	208,7
1 000 тн учун электр энергия харажати	минг кВт	1,6	1,5	1,5	1,5	1,9
1 кВт учун нархи	сўм	892,9	892,9	892,9	892,9	892,9
Жами ёқилғи етказиб бериш харажати	минг кВт	1 481,3	329,0	379,0	370,0	403,3
Электр энергия истеъмоли қиймати	минг сўм	1 322 614,9	293 750,9	338 393,9	330 358,2	360 111,9

Шунингдек, 2025 йилда ўтказилган охириги энергоаудит хулосасига кўра 2026 йилда электр-энергия сарфини камайтириш бўйича тузилган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида йиллик 755,6 минг кВт электр-энергия тежалиши кўзда тутилган. Бу жами электр-энергия сарфини 7,9 фоизини ташкил этади.

Кўрсаткичлар
6.1. Ишлаб чиқариш режаси

6.1.1. Хомашё захираси

2025 йил 1 январь ҳолатида хомашё захираси бўйича
МАЪЛУМОТНОМА

№	Конлар	Жами, минг тн.	Шу жумладан категориялар бўйича, минг тн.			Изох
			Балансдаги		Балансдан ташқари C ₁	
			A+B+C ₁	C ₂		
	“Шарғункўмир” АЖ бўйича – жами:	32 473,9	32 473,9	7 066	415	
	шундан:					
1.	“Марказий” участка	13 316,09	13 316,09			
2.	“Руған-Рихта” участкаси	13 815,26	13 400,26		415	
3.	Шарқий участка	2 026	336	1 690		
4.	Ғарбий участка	7 452	2 076	5 376		
5.	Бундан ташқари сой ости ва техник иншоотлар ости	2 515,4	2 515,4			

6.1.2. Тайёр маҳсулотнинг асосий тавсифлари

№	Тошкўмир марка- лари	Саноатда қўлланилиши	Ўлчами, mm	Кулчанлиги A^d , %, гача	Намлик даражаси W^r , %, гача	Ёқилғини иш ҳолатидаги соф иссиқлик даражаси Q^i , kcal/kg	25 mm ва ундан ортиқ тоғ жинслари билан аралашмаси % гача
1	СССШ	Иссиқлик электр энергияси ишлаб чиқарувчи корхоналари учун (Angren IES ва Yangi Angren IES АЖ) ва биржа савдолари орқали саноат корхоналари учун (цемент, ғишт заводлари)	0-13	30,0	10,0	5200	-
2	СССШМО	Иссиқлик электр энергияси ишлаб чиқарувчи корхоналари учун (Yangi Angren IES АЖ)	0-50	42,0	15,0	5200	2,0
3	ССКОМ	биржа савдолари орқали саноат корхоналари учун (цемент, ғишт заводлари)	13- 100	25,0	10,0	6 200	2,0

6.1.2. Жорий (2 йиллик) ишлаб чиқариш ҳолати

**“Шарғункўмир” АЖнинг 2026 йилда кўмир қазиб олиш
РЕЖАСИ**

минг тонна

Кўмир қазиб олиш							
			Жами	шу жумладан: чораклик			
				I	II	III	IV
“Шарғункўмир” АЖ	2025 йил кутили- ши	режа	424,7	68,0	86,5	110,2	160,0
	2026 йил	режа	750,0	210,9	201,1	118,9	219,1
	Ўсиш/ камайиш	%	176,6	310,1	232,5	107,9	136,9

“Шарғункўмир” АЖнинг 2026 йил учун ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш

[illegible]

6.1.3. Ишлаб чиқариш ва сотиш режаси

“Шарғункўмир” АЖнинг 2026 йил учун ишлаб чиқариш

[illegible]

**“Шаргункўмир” АЖнинг 2025 йил учун маҳсулот (хизмат)лар сотиш
РЕЖАСИ****

млн. сўм

№	Кўрсаткичлар, бажариладиган ишлар, маҳсулот номи	2024 йил (факт)	2025 йил 9 ойлик (факт)	2025 йил		2026 йил (режа)	Ўсиш, %	Жами тушумдаги улуши	Шу жумладан			
				режа	кутилаётган				1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
I. Корхона бўйича												
1.	Жами соф тушум (эгри солиқларсиз)	289 385,2	209 642,5	612 017,9	391 782,2	557 399,2	142,3	100,0	129 605,1	156 883,7	145 140,0	125 770,4
шу жумладан, маҳсулот тури бўйича												
2.	А) Кўмир казиб чиқариш	255 019,2	171 422,2	567 714,3	339 002,9	491 410,8	145,0	88,2	114 620,6	140 386,6	127 886,6	108 517,0
	Темир йўл хизмати	32 721,5	28 199,5	41 949,6	32 737,8	55 967,6	171,0	10,0	12 479,3	13 991,9	14 748,2	14 748,2
3.	Б) Бошқа даромадлар	1 644,5	10 020,8	2 354,0	20 041,5	10 020,8	50,0	1,8	2 505,2	2 505,2	2 505,2	2 505,2
4.	В) Маҳсулот гуруҳи											

<i>1 тн кўмир нархи</i>	Ўлчов бирлиги	2025 йил		2026 йил
СССШ	сўм/тонн	460 000		460 000
<i>шундан: ҚҚСсиз</i>	сўм/тонн	410 714		410 714
ССКОМ	сўм/тонн	549 000		549 000
<i>шундан: ҚҚСсиз</i>	сўм/тонн	490 178,6		490 178,6
СССШМО	сўм/тонн	312 000		312 000
<i>шундан: ҚҚСсиз</i>	сўм/тонн	278 571,4		278 571,4

2026 йил 1 январь ҳолатида тайёр маҳсулот қолдиқлари 147 194,9 млн. сўмни (358,4 минг тонна) ташкил этилиши кутилмоқда

6.2. Молиявий режа

6.2.1 Жорий (2 йиллик) молиявий кўрсаткичлар таҳлили

2026 йилда корхонанинг жами даромадлари 557 399,2 млн.сўм бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 165 617,0 млн. сўмга ёки 142,3 фоизга ошиши кутилмоқда (2025 йилда 391 782,2 млн. сўмни ташкил этиши кутилмоқда).

Даромадлар ёйилмаси қуйидагилардан иборат:

- Кўмир маҳсулоти сотишдан даромад (491 410,8 млн. сўм) – 88,2 фоиз
- Темир йўл хизмати даромад (55 967,6 млн. сўм) – 10,0 фоиз
- Бошқа даромадлар (10 020,8 млн. сўм) – 1,8 фоиз

2026 йилда корхонанинг жами харажатлари 554 981,0 млн. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ишлаб чиқариш ҳажми ошганлиги сабабли харажатлар ҳам 167 255,6 млн. сўм ёки 143,1 фоизга ошиши кутилмоқда (2025 йил – 387 725,3 млн. сўмни ташкил этиши кутилмоқда), шундан:

- Ишлаб чиқариш харажатлари 454 240,8 млн. сўмни ва ўтган йилга нисбатан 142 133,7 млн. сўм ёки 145,5 фоизга ошиши кутилмоқда (2025 йил – 312 107,0 млн. сўмни ташкил этиши кутилмоқда);

Ишлаб чиқариш таннархи 1 тонна кўмир учун - 605 654,3 сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

- Давр харажатлари 100 740,2 млн. сўмни ўтган йилга нисбатан 3 391,5 млн. сўм ёки 103,5 фоизга ошиши кутилмоқда (2025 йил – 97 348,7 млн. сўмни ташкил этиши кутилмоқда).

шу жумладан:

- Маҳсулот сотиш харажатлари – 56 741,2 млн. сўм (– 43 759,2 млн. сўм);
- Маъмурий харажатлари – 9 240,6 млн. сўм (– 10 363,2 млн. сўм);
- Бошқа операцион харажатлари – 34 758,3 млн. сўм (– 43 226,3 млн. сўм).

Барча солиқ ва бошқа бюджет тўловларини амалга оширгандан кейин корхонанинг 2026 йилдаги соф фойдаси 2 055,5 млн. сўмни, ўтган йилга нисбатан 1 392,8 млн. сўмга (2025 йил – 3 448,3 млн. сўм кутилмоқда) камайиши кутилмоқда.

6.2.2 Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар режаси (бюджети)

“Шарғункўмир” АЖнинг 2026 йил учун молиявий-иқтисодий сметаси (бюджети)

РЕЖАСИ

млн. сўм

№	Кўрсаткичлар	2024 йил	2025 йил 9 ойлик (факт)	2025 йил (кутила- ётган)	2026 йил (режа)	Ўзгариш		Шу жумладан			
						(+/-)	%	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
1.	Жами даромад (эгри солиқларсиз), шу жумладан:	289 385,2	209 642,5	391 782,2	557 399,2	165 617,0	142,3	129 605,1	156 883,7	145 140,0	125 770,4
	соф тушум	91 452,3	171 422,2	339 002,9	491 410,8	152 407,9	145,0	114 620,6	140 386,6	127 886,6	108 517,0
	Темир йўл хизмати	32 721,5	28 199,5	32 737,8	55 967,6	23 229,8	170,9	12 479,3	13 991,9	14 748,2	14 748,2
	бошқа даромадлар	1 644,5	10 020,8	20 041,5	10 020,8	-10 020,7	50,0	2 505,2	2 505,2	2 505,2	2 505,2
	молиявий фаолият даромадлари										
2.	Ишлаб чиқариш таннари	206 024,5	237 104,7	312 107,0	454 240,8	142 133,8	145,5	107 098,0	131 158,8	118 686,3	97 297,7
	хомашё ва материаллар	6 724,5	15 859,5	19 069,9	18 261,7	-808,2	95,8	3 789,3	4 627,0	5 737,6	4 107,8
	ишлаб чиқариш тусидаги хизматлар	149 724,6	64 068,1	85 424,1	239 685,9	154 261,8	280,6	53 056,8	76 423,3	68 808,7	41 397,1
	энергия ресурслари	10 108,0	10 456,5	13 941,9	19 240,5	5 298,6	138,0	4 458,8	4 853,0	5 069,9	4 858,7
	Ишчи-ходимлар иш ҳақи	28 106,5	30 134,7	40 179,7	49 519,4	9 339,7	123,2	13 924,9	13 277,8	7 850,5	14 466,2
	ижтимоий солиқ	3 301,0	3 448,9	4 712,5	5 942,3	1 229,8	126,1	1 671,0	1 593,2	942,1	1 736,0
	асосий воситалар (номоддий активлар) амортизацияси	3 206,2	106 337,0	141 782,6	114 773,4	-27 009,2	81,0	28 693,35	28 693,35	28 693,35	28 693,35
	бошқа харажатлар	4 853,7	6 800,1	6 996,3	6 817,4	-178,9	97,4	1 503,8	1 691,0	1 584,1	2 038,5
	Давр харажатлари	50 769,9	54 602,9	75 618,3	100 740,2	25 121,9	133,2	22 344,0	25 661,1	25 417,1	27 310,4
	сотиш харажатлари	20 660,7	26 893,9	35 411,0	56 741,2	21 330,2	160,2	12 654,3	14 191,2	14 954,8	14 933,4
	маъмурий харажатлар	7 892,9	7 872,1	10 467,8	9 240,6	-1 227,2	88,3	2 156,8	2 295,4	2 441,5	2 346,9
	бошқа операцион харажатлар, шу жумладан:	22 216,2	19 836,9	19 739,5	34 758,3	5 018,8	83,3	7 532,9	9 174,5	8 020,8	10 030,1
	Молиявий фаолият бўйича харажатлар	2 265,6	22 264,6								
	фоизлар шаклидаги харажатлар	2 265,6	22 264,6								
	валюта курси фарқидан зарарлар										
	молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар										
	Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар)	6 943,0	11 192,8	4 056,9	2 418,3	-1 638,6	59,6	163,0	63,8	1 036,7	1 162,2
	Фойда солиғи	1 041,4	2 188,9	608,5	362,7	-245,8	59,6	24,5	9,6	155,5	174,3
	Соф фойда/зарар	5 901,5	9 003,9	3 448,3	2 055,5	-1 392,8	59,6	138,6	54,3	881,2	981,4
	ЕВІТДА кўрсаткичи (млн.сўм / %)										
	Дебиторлик	8 489,6	11 287,9	15 500,0				25 000,0	20 000,0	30 000,0	20 000,0
	Кредиторлик	154 422,3	199 361,5	180 000,0				170 000,0	160 000,0	130 000,0	100 000,0

Соф фойдани тақсимаш


млн. сўм

№	Йўналишлар	Улуши, %	2024 йил	2025 йил якуни (кутилаётган)	2026 йил якуни (режа)	шу жумладан,			
						1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
	Соф фойда	100%	9 003,9	3 448,3	2 055,5	138,6	54,3	881,2	981,4
1.	Дивиденд учун жами, шу жумладан								
	имтиёзли акцияларга								
	оддий акцияларга, шундан:								
	давлат улушига	50%		1 724,15	1 027,75	69,3	27,15	440,6	490,7
2.	Инновацион ривожлантириш фондига								
3.	Захира фондига								
4.	Корхонани ривожлантириш учун	50%	9 003,9	1 724,15	1 027,75	69,3	27,15	440,6	490,7
5.	Бошқа мақсадларга								


6.2.3 Даромадлар шаклланишининг асосий манбаи (нархлар прогнози)

млн. сўм[illegible]

**“Шарғункўмир” АЖ нинг 2018-2026 йилларда тошкўмир қазиб олиш ҳажми
ТАҲЛИЛИ (минг тонна)**



**“Шарғункўмир” АЖнинг 2018-2026 йилларда тошкўмир қазиб олиш ҳажми
ТАҲЛИЛИ (млн. сўм)**



“Шарғункўмир” АЖнинг 2026 йилдаги даромадлари ТАРКИБИ (млрд. сўм)




“Шарғункўмир” АЖнинг 2026 йилдаги харажатлари ТАРКИБИ (млн. сўм)


**Жами Харажатлар –
554 981,0 млн. сўм**

**Ишлаб чиқариш
(таннарх) харажатлари –
454 240,8 млн. сўм**

**Давр харажатлари –
100 740,2 млн. сўм**



**Маҳсулот
сотиш
харажатлари
56 741,2
56%**



Ишлаб чиқариш таннархининг таркиби (шаклланиши)

млн. сўм

№	Харажатлар таркиби	Ўл. бирл иги	2024 йил (факт)	2025 йил 9-ой (факт)	2025 йил (кутила- ётган)	2026 йил (режа)	Ўсиш		шу жумладан,			
							(+/-)	%	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
1.	Таннарх, жами	млн. сўм	311 705,8	237 104,8	312 107,0	454 240,8	142 133,8	145,5	107 098,0	131 158,8	118 686,2	97 297,7
	Соф тушумдаги улуши	%	57,9	102,7	79,2	81,5			83,8	82,5	80,7	80,0
	таркиби											
1.1.	Хомашё, материаллар, эҳтиёт қисмлар, шу жумладан:	млн. сўм	10 283,8	15 859,5	19 069,9	18 261,7	-808,2	95,8	3 789,3	4 627,0	5 737,6	4 107,8
1.1.1	асосий хомашё:											
	Лесоматериал		1 363,1	1 152,5	1 536,7	2 340,0	1 955,3	152,3	260,0	780,0	520,0	780,0
	ВВ ва СВ		1 202,1	710,2	946,9	2 390,2	9 553,0	252,4	549,5	589,7	587,5	663,5
	Эҳтиёт қисмлар		2 705,9	3 693,0	4 924,1	6 020,0	1 095,9	122,2	1 542,6	1 347,5	1 907,0	1 222,8
	Келгуси давр харажатлари		455,5	961,2	1 281,7	2 787,5	1 505,8	217,5	279,6	628,1	1 622,4	1 207,1
	Бошқалар		4 557,1	9 342,5	10 380,6	4 724,0	-5 656,6	45,5	1 157,7	1 281,7	1 100,6	1 184,0
1.1.2	Ишлаб чиқариш тусидаги хизматлар		210 407,4	64 068,1	85 424,1	239 685,9	154 261,8	280,6	53 056,8	76 423,3	68 808,7	41 397,1
1.1.3	энергия ресурслари:		13 841,8	10 456,4	13 937,0	19 233,5	5 296,5	156,6	4 456,8	4 851,2	5 068,8	4 856,5
	ёқилги		8 991,3	7 049,2	9 394,0	10 751,3	1 357,3	114,4	2 581,8	2 797,6	2 792,0	2 579,9
	электр		4 850,5	3 407,2	4 543,0	8 482,2	3 939,2	144,7	1 875,0	2 053,6	2 276,8	2 276,6
1.2.	Ишчи-ходимларнинг иш ҳақи:		38 789,7	30 134,7	40 179,7	49 519,4	9 339,7	123,2	13 924,9	13 277,8	7 850,5	14 466,3
1.3.	Ижтимоий солиқ		4 539,8	3 448,9	4 712,5	5 942,3	1 229,8	147,5	1 671,0	1 593,8	942,1	1 735,9
1.4.	Асосий воситалар (номоддий активлар) амортизацияси:		27 400,1	106 337,0	141 782,6	114 773,4	-27 009,2	80,9	28 693,4	28 693,4	28 693,4	28 693,4
1.5.	Бошқа харажатлар:		6 443,1	6 800,1	6 996,3	6 817,4	-178,9	97,4	1 503,8	1 691,1	1 584,1	2 038,5
1.6.	Кўмир қазиб чиқариш	минг тонн а	900,1	264,7	424,7	750,0	325,3	176,6	210,9	201,1	118,9	219,1
1.7.	1 тонна учун	сўм	346 349	895 739	734 888,3	605 654,3	-129 234,0	82,4	507 418,1	652 206,8	998 202,3	444 079,1
1.8.	суммаси	млн. сўм	311 705,8	237 104,8	312 107,0	454 240,8	142 133,8	145,5	107 098,0	131 158,8	118 686,2	97 297,7

“Шарғункўмир” АЖ томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот (хизмат) таннархини камайтириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар режаси

№	Йиллар	Ўлчов бирлиг и	Таннарх нинг ўртача камайи ши	Шу жумладан, қуйидаги харажатлар ҳисобига									
				ишлаб чиқариш харажатлари							билвосита харажатлар		
				Жами	Шундан						Жами	Шундан	
					Энерго ресурс ларни тежаш	Хомашё ва материаллар харажатлари ни қисқартириш	Технологик ва бошқа йўқотишларни камайи тириш	Ишлаб чиқаришда ги ишчи- ходимлар сонини мақбуллаш тириш	Меҳнат ва асосий воситалар унумдорлигини ошириш ҳисобига харажатларни қисқартириш	Ишлаб чиқаришни нг бошқа харажатлар ини қисқартири ш		Маъмурий бошқарув ходимларини сақлаш харажатларини қисқартириш	Бошқа устама харажатларни қисқартириш
I. Корхона бўйича													
1.	2024 йил (факт)	%	6,4										
		млн.сўм		7161,0	1 391,0	2 269,0		3 501,0					
2.	2025 йил 9 ойлик (факт)	%	3,0		0,3	0,7	0,8	2,3					
		млн.сўм		10 328	603,0	1 751,0	1 950,0	5 441,0					
3.	2025 йил (кутилаётган)	%	3,0		0,2	0,6	0,6	1,6					
		млн.сўм		13 770,0	804,0	2 953,0	2 759,0	7 254,0					
4.	2026 йил (режа)	%	2,3		0,4	1,7	0,1			0,1			
		млн.сўм		8 849,0	1 923,3	2 739,3	2 396,9			1 789,5			

Пул оқимлари прогнози

№	Кўрсаткич номи	2024 йил		2025 йил		2025 йил		2026 йил		шу жумладан,							
		9 ойлик (факт)		(қўтилаётган)		(режа)				1-чорак		2-чорак		3-чорак		4-чорак	
		кирим	чиқим	кирим	чиқим	кирим	чиқим	кирим	чиқим	кирим	чиқим	кирим	чиқим	кирим	чиқим	кирим	чиқим
1.	Хисобот даври бошига қолдиқ	266 972		101 544		101 544		1 501 743		1 501 743		1 501 743		1 501 743		1 501 743	
	Операцион фаолият																
2.	Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) сотишдан тушум	321 063 056	3 739 748	250 223 436	1 583 913	280 223 436	1 583 913	500 000 000			125 000 000		125 000 000		125 000 000		125 000 000
3.	Материал, товар, иш ва хизматлар учун мол етказиб берувчиларга тўланган пул маблағлари	56 017	69 755 183		44 628 768		74 628 768		150 000 000		37 500 000		37 500 000		37 500 000		37 500 000
4.	Иш хақи	2 995 736	73 934 497	167 475	80 877 351	167 475	80 877 351		100 000 000		25 000 000		25 000 000		25 000 000		25 000 000
5.	Операцион фаолиятнинг бошқа пул тушумлари ва тўловлари	37 426 955	187 476 059	6 389 184	67 205 201	6 389 184	67 205 201		100 000 000		25 000 000		25 000 000		25 000 000		25 000 000
	Жами (кирим/чиқим)																
	Инвестиция фаолияти																
6.	Асосий воситаларни сотиб олиш ва сотиш, шу жумладан:																
	уқуналар																
	транспорт воситалари																
7.	Номоддий активларни сотиб олиш ва сотиш																
8.	Узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларни сотиб олиш ва сотиш																
9.	Инвестицион фаолиятнинг бошқа пул тушумлари ва тўловлари																
	Жами (кирим/чиқим)																
	Молиявий фаолият																
10	Олинган ва тўланган фоизлар																
11	Олинган ва тўланган дивидендлар																
12	Акциялар чиқаришдан ёки хусусий капитал билан боғлиқ бўлган бошқа йўналишлардан келган пул тушумлари																
13	Хусусий акцияларни сотиб олганда ва уларни сотганда пул тўловлари ва тушумлари																
14	Узоқ ва қисқа муддатли кредит ва қарзлар бўйича пул тушумлари ва тўловлари				31 280 056		31 280 056		100 000 000		25 000 000		25 000 000		25 000 000		25 000 000

№	Кўрсаткич номи	2024 йил		2025 йил 9 ойлик (факт)		2025 йил (кутилаётган)		2026 йил (режа)		шў жумладан,							
										1-чорак		2-чорак		3-чорак		4-чорак	
		кирим	чиқим	кирим	чиқим	кирим	чиқим	кирим	чиқим	кирим	чиқим	кирим	чиқим	кирим	чиқим	кирим	чиқим
15	Молиявий ижара бўйича пул тушумлари ва тўловлари																
16	Молиявий фаолиятнинг бошқа пул тушумлари ва тўловлари																
	Жами (кирим/чиқим)																
	Солиққа тортиш																
17	Тўланган фойда солиғи																
18	Тўланган бошқа солиқлар		26 801 705		31 212 167		31 212 167		50 000 000		12 500 000		12 500 000	12 500 000	12 500 000	12 500 000	12 500 000
	Жами солиқ тўловлари																
19	Чет эл валютасидаги пул маблағларини қайта баҳолашдан юзага келган курс фарклари сальдоси.			1 407 560		1 407 560											
20	ХИСОБОТ ДАВРИ ОХИРИДАГИ ҚОЛДИҚ		879 554		1 501 743		1 501 743		1 501 743		1 501 743		1 501 743	1 501 743	1 501 743	1 501 743	1 501 743

*) Ҳисобот даври охирида пул маблағларининг салбий қолдиғи (-) ҳосил бўлган тақдирда, пул маблағлари етишмовчилигини қоплаш бўйича таклифлар ва ҳисоб-китоблар юзасидан тушунтириш берилиши лозим.

**6.2.4 Молиявий барқарорлик, ликвидилик ва тўлов қобилияти, қарздорлик
(ички ва ташқи), кредитлар юки**

**Молиявий барқарорлик, ликвидилик ва тўлов қобилияти
(GAP таҳлили)**

№	Кўрсаткичлар номи	2024 йил	2025 йил (кутила- ётган)	2026 йил (режа)
1.	Ўз айланма маблағлари миқдори	-401 577	-86 036	-114 375
2.	Ўз айланма маблағларининг қоплашда захираларнинг улуши	31,05	0,68	0,06
3.	Айланма капиталнинг активлардаги улуши %	13,58	0,04	0,008
4.	Товар-моддий захираларнинг жорий активлардаги улуши %	0,09	0,03	0,004
5.	Молиявий қарамлик коэффициенти	9,9	6,1	5,37
6.	Молиявий левераж коэффициенти (левериджа)			

Кредиторлик ва дебиторлик қарздорликлар

млн. сўм

№	Кўрсаткичлар	Ҳисобот даври бошига	шу жумладан			
			01.04.2025 йил	01.07.2025 йил	01.10.2025 йил	01.01.2026 йил
1.	Дебиторлик қарздорлик жами, шу жумладан:	8 489,6	24 699,0	12 032,3	11 287,9	15 500,0
	<i>муддати ўтган қарздорлик, шундан</i>	0	0	0	0	0
	<i>умидсиз қарздорликлар</i>	0	0	0	0	0
2.	Кредиторлики қарздорлик жами, шу жумладан:	154 422,3	186 386,1	196 780,8	199 361,1	180 000,0
	<i>муддати ўтган қарздорлик</i>	0	0	0	0	0

6.2.5 Давлат бюджетида тўловлар

Ушбу бўлимда корхонанинг давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги ўрни, солиқ юки, давлат бюджетида асосий тўловлар таркиби, солиқ тўловлари бўйича қарздорлик, улар бўйича жарима ва пенялар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Бундан ташқари, корхонага берилган солиқ имтиёзлари, уларнинг миқдори, муддати, асослари, мақсади, имтиёзлар натижасида жамият ихтиёрида қолдирилган маблағларни сарфлашнинг йўналишлари кўрсатилади.

млн. сўм

№	Тўловлар	2024 йил	2025 йил 9 ойлик (факт)	2025 йил (кутила- ётган)	2026 йил (режа)	Ўзгариш		Шу жумладан			
						(+/-)	%	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
	Жами	61 570,3	37 716,0	54 110,0	79 587,9	25 477,9	147,1	19 119,1	21 267,4	17 958,3	19 036,1
1.	Эгри солиқлар, <i>шу жумладан:</i>	25 689,8	17 876,7	26 876,7	41 278,5	14 401,8	153,6	9 628,1	11 792,5	10 742,5	9 115,4
	<i>ҚҚС</i>	25 689,8	17 876,7	26 876,7	41 278,5	14 401,8	153,6	9 628,1	11 792,5	10 742,5	9 115,4
	<i>Акциз</i>										
2.	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	17 577,0	5 426,3	9 926,3	15 911,4	5 985,1	160,3	4 497,4	4 326,7	2 523,8	4 563,5
3.	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	18,7	18,5	24,7	105,6	80,9	427,5	26,4	26,4	26,4	26,4
4.	Фойда солиғи	1 770,3	2 818,9	608,5	363,9	-244,7	59,8	24,5	9,6	155,5	174,3
5.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, катъий белгиланган миқдордаги солиқ суммалари ва ижтимоий солиқ	6 684,4	4 968,7	6 768,7	8 828,2	2 059,5	130,4	1 861,9	1 775,3	1 049,7	1 934,3
6.	Мол-мулк солиғи	291,5	238,4	371,9	600,0	282,2	188,8	150,0	150,0	150,0	150,0
7.	Ер солиғи	1 854,1	1 365,8	1 821,0	2 400,0	579,0	131,8	600,0	600,0	600,0	600,0
8.	БТП жамғармасига тўловлар (12- банд)	426,7	320,0	426,7	600,1	173,4	140,6	150,0	150,0	150,0	150,1
9.	БТП жамғармасига тўловлар (15- банд)	679,3	680,2	907,0	672,0	-235,0	74,1	168,0	168,0	168,0	168,0
10.	Бошқа солиқлар	6 578,6	4 632,5	6 432,5	8 828,2	2 395,7	137,2	2 012,8	2 268,8	2 392,4	2 154,1

№	Кўрсаткичлар	Норматив	3 ойлик		6 ойлик		9 ойлик		йиллик	
			салмоқ ўлчови (удельный вес)	Мақсадли кўрсаткичлари (Прогноз)	салмоқ ўлчови (удельн ый вес)	Мақсадли кўрсаткичлари (Прогноз)	салмоқ ўлчови (удельны й вес)	Мақсадли кўрсаткичлари (Прогноз)	салмоқ ўлчови (удельн ый вес)	Мақсадли кўрсаткичлари (Прогноз)
10	Маҳаллийлаштириш индикатори бажарилиши, пул ҳисобида									
11	Инвестиция дастурини бажарилиши, пул ҳисобида									
12	Хорижий валютадан мустақиллик оэффиценти									
13	Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш (амалдаги нархларда) (минг сўмда)		10,0	117 303 366	10,0	232 179 424	10,0	304 780 627	10,0	425 837 056
14	Кўмир қазиб чиқариш ҳажмининг бажарилиши (минг тонна)		10,0	210,9	10,0	412,0	10,0	530,9	10,0	750,0
15	Республика истеъмолчиларига ёқилғи етказиб беришни таъминлаш (минг тонна)		10,0	215,3	10,0	476,50	10,0	717,7	10,0	926,4
16	Кон юзасини очиш ишлари ҳажмининг бажарилиши, минг.м ³		5,0	98	5,0	245	5,0	392	5,0	490
17	Тоғ-кон лаҳмларини ўтиш (п.м)		5,0	450,0	5,0	1 040,0	5,0	2 540,0	5,0	3 540,0
18	Дизел ёқилғиси сарфининг иш ҳажмига тўғри келадиган прогноз кўрсаткичидан оширмаслик, (тонна/1000 тонна)		5,0	0,88	5,0	0,89	5,0	0,90	5,0	0,89
Жами:			100,0		100,0		100,0		100,0	

Қўшимча кўрсаткичлар режаси ва салмоқ ўлчови

№	Кўрсаткичлар	Норматив	3 ойлик		6 ойлик		9 ойлик		йиллик	
			салмоқ ўлчови (удельный вес)	Мақсадли кўрсаткичлари (Прогноз)	салмоқ ўлчови (удельный вес)	Мақсадли кўрсаткичлари (Прогноз)	салмоқ ўлчови (удельный вес)	Мақсадли кўрсаткичлари (Прогноз)	салмоқ ўлчови (удельный вес)	Мақсадли кўрсаткичлари (Прогноз)
1	Солиқлар ва бошқа фоиз тўловлари амалга оширилгунга қадар олинган фойда (EBIT – Earnings Before Interest, Taxes)									
2	Солиқлар ва амортизациялар ҳамда бошқа фоиз тўловлари амалга оширилгунга қадар олинган фойда (EBITDA — Earnings Before Interest, Taxes, Depreciation & Amortization)									
3	Харажатлар ва даромадлар нисбати (CIR — Cost Income Ratio)									
4	Жалб қилинган капитал рентабеллиги (ROCE - Return on Capital Employed)									
5	Акциядор капиталининг рентабеллиги (ROE — Return On Equity)									
6	Абсолют ликвидлик коэффициенти	> 0,2	10,0	0,20	10,0	0,20	10,0	0,2	10,0	0,2
7	Кредитор қарздорликнинг кунлик айланмаси	<90	10,0	90,00	10,0	90,00	10,0	90,0	10,0	90,0
8	Дебитор қарздорликнинг кунлик айланмаси	<90	10,0	90,00	10,0	90,00	10,0	90,0	10,0	90,0

№	Кўрсаткичлар	Норматив	3 ойлик		6 ойлик		9 ойлик		йиллик	
			салмоқ ўлчови (удельный вес)	Мақсадли кўрсаткичлари (Прогноз)	салмоқ ўлчови (удельный вес)	Мақсадли кўрсаткичлари (Прогноз)	салмоқ ўлчови (удельный вес)	Мақсадли кўрсаткичлари (Прогноз)	салмоқ ўлчови (удельный вес)	Мақсадли кўрсаткичлари (Прогноз)
9	Асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти		10,0	0,50	10,0	0,50	10,0	0,5	10,0	0,5
10	Асосий воситаларнинг янгиланиш коэффициенти								5,0	1,5
11	Меҳнат унумдорлиги (тонна/киши)		15,0	349,16	15,0	742,73	15,0	1 157,7	10,0	1 531,4
12	Фонд қиймати (Фондоотдача)		10,0	0,16	10,0	0,33	10,0	0,52	10,0	0,70
13	Сотилган маҳсулотнинг умумий ҳажмида инновацион маҳсулотнинг улуши									
14	Корхонанинг умумий харажатларидаги инновацион фаолиятга ажратилган харажатлар улуши									
15	Персоналларни ўқитиш харажатлари, битта ходим ҳисобига		10,0	14 450,00	10,0	28 901,00	10,0	43 351,0	10,0	57 801,0
16	Ходимлар қўнимсизлик коэффициенти		10,0	1,0	10,0	1,0	10,0	1,0	10,0	1,0
17	Ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш кўрсаткичларининг бажарилиш индикатори (ўрнатилган ҳажмга нисбатан, фоизда)									
18	Энергия самарадорлиги (маҳсулот таннархида энергияга сарфланган харажатлар улуши, фоизда)		15,0	1,58	15,0	1,50	15,0	1,46	15,0	1,45
жами			100,0		100,0		100,0		100,0	

*Изоҳ рўйхатдаги 1-5 кўрсаткичлар корхонанинг ҳисоботлари "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари" (МСФО) асосида ҳисобланса ушбу кўрсаткичларни киритади. Агар "Молиявий ҳисоботнинг Миллий стандартлари" асосида ҳисобланса ушбу кўрсаткичларни киритмайди. **Жами салмоқ ўлчови 100 %га тенг бўлиши керак!**

VII. Иш ҳақи тўлаш тизими

млн. сўм

№	Ишчи-хизматчилар	2025 йил (кутилаётган)						2026 йил (режа)					
		Ўртача ишчилар сони	Иш ҳақи миқдори (қатъий белгиланган)	Меҳнат таътили пуллари	Иш ҳақиға устамалар	Мукофот пуллари	СМК	Ўртача ишчилар сони	Иш ҳақи миқдори (қатъий белгиланган)	Меҳнат таътили пуллари	Иш ҳақиға устамалар	Мукофот пуллари	СМК
Жами		527	27 587,6	5 484,7	20 216,8	2 936,5	187,9	664	31 215,8	6 181,5	20 760,8	5 615,0	194,7
